

“МАҲАЛЛА ВА ОИЛА” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Ph.D.21/30.10.2020.
Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРАКБАРОВА ДИЛДОРА МИРАЛИШЕР ҚИЗИ

**ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲҚАМЛАШДА ДИНИЙЛИК ВА
ДУНЁВИЙЛИК МУВОЗАНАТИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

“МАҲАЛЛА ВА ОИЛА” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.21/30.10.2020.
Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРАКБАРОВА ДИЛДОРА МИРАЛИШЕР ҚИЗИ

ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲҚАМЛАШДА ДИНИЙЛИК ВА
ДУНЁВИЙЛИК МУВОЗАНАТИ

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2022

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати
мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical
Science**

Миракбарова Дилдора Миралишер қизи
Оила институтини мустаҳкамлашда динийлик ва дунёвийлик мувозанати.....3

Миракбарова Дилдора Миралишер қизи
Баланс религиозности и светскости в укреплении института семьи.....25

Mirakbarova Dildora Miralisher qizi
Balance of religion and secularity in consolidation of the institute of the family.....45

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works.....50

**“МАҲАЛЛА ВА ОИЛА” ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.21/30.10.2020.
Ped/S.127.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

МИРАКБАРОВА ДИЛДОРА МИРАЛИШЕР ҚИЗИ

**ОИЛА ИНСТИТУТИНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ДИНИЙЛИК ВА
ДУНЁВИЙЛИК МУВОЗАНАТИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022



Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Fal517 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.moiti.uz), «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухтаров Азамат
фалсафа фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мусаева Нодира Махмудовна
фалсафа фанлари доктори, доцент

Хужаев Муминжон Исохонович
фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
доцент

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети

Диссертация химояси «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи Ph.D.21/30.10.2020.Ped/S.127.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «30» ~~диссертация~~ ^{24.06} даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Истикбол кўчаси, 51-уй. Тел.: (71) 267-05-36; факс: (71) 267-03-92; e-mail: mvaointi@exat.uz, mvaointi@gmail.com; Web-sayt: www.moiti.uz.

Диссертация билан «Маҳалла ва оила» илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (9 рақам билан рўйхатга олинган.). Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Яшнабод тумани, Истикбол кўчаси, 51-уй. Тел.: (71) 267-05-36; факс: (71) 267-03-92; e-mail: mvaointi@exat.uz, mvaointi@gmail.com; Web-sayt: www.moiti.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил «30» ¹¹ да тарқатилди.
(2022 йил «30» ¹¹ даги 29 рақамли реестр баённомаси.)



Н.М.Эгамбердиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

Х.У.Абдусаматов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, психология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Ш.М.Содиқова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, социология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда оила муносабатларини тартибга солиш, ундаги муаммолар ечимини аниқлаш, эр-хотин муносабатларини барқарорлаштириш ҳамда низоли ҳолатларнинг олдини олишда диний ва умуминсоний қадриятларни сингдиришни гносеологик, идеологик, аксиологик жиҳатдан такомиллаштириш долзарбламмоқда. Халқаро миқёсида қабул қилинган кўплаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси», «Аёлларга нисбатан камситишларга барҳам бериш тўғрисида»ги декларация, «Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шакллариغا барҳам бериш тўғрисида»ги конвенция, «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция»¹ белгиланганидек, инсонларнинг оилада, жамиятда ўз ўринларини топишлари, ҳеч қандай тазйиқ, зўравонликларсиз ҳаёт кечиришлари, ҳақ-ҳуқуқларидан эркин фойдалана олишлари ижтимоий заруратга айланиб бормоқда.

Жаҳоннинг кўплаб ривожланган мамлакатларидаги оила муносабатлари ва ундаги муаммолар билан шугулланувчи етакчи илмий тадқиқот институтлари ва марказларида оила, хусусан, ёш оила барқарорлигини таъминлаш омиллари, оилада «гендер тенглик» тамойилини жорий этиш, фарзанд тарбияси ва камолотида оиланинг ўрни каби масалаларни тадқиқ қилишга йўналтирилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Ўз навбатида турмуш қураётган шахсларни маънавий, ахлоқий, психологик, репродуктив жиҳатдан оилага тайёрлаш, ажримларнинг олдини олиш, оилавий муносабатларда эр ва хотиннинг ҳуқуқ ҳамда бурчлари, тўлиқсиз оилаларда вояга етаётган болаларнинг моддий ва маънавий ҳолати билан боғлиқ муаммоларнинг диний ва дунёвий асосларига оид илмий изланишларни олиб бориш ҳам долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда оила мустаҳкамлигини таъминлаш, ажришишларнинг олдини олиш, турли кўринишдаги оилавий-маиший тазйиқ ва зўравонликларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Арзимаган қийинчиликка ҳам сабр қилмасдан, муқаддас оила кўрғонини бузиш, ажримларга йул қўйишни барчамиз миллий урф-одатларимизга, меҳр-окибатли, андишали халқимизга мутлақо ярашмайдиган ҳолат, деб баҳолашимиз зарур. Нега деганда, агарки биронта оилада нотинч вазият ҳукмрон бўлса, ўзаро низолар туфайли бегуноҳ болалар тирик етимга айланадиган бўлса, ёрдам ва кўмакка муҳтож инсонлар ўз ҳолига ташлаб қўйилса, бундай ҳолатга қарши ҳаммамиз биргаликда курашишимиз керак».² Шу нуқтаи назардан, дунёвий ва диний билимлар уйғунлигида оила мустаҳкамлигини таъминлаш, амалий

¹ «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси». БМТ Бош Ассамблеяси, 1948 йил 10 декабрь. <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>; «Декларация о ликвидации дискриминации в отношении женщин». Резолюция 2263 (XXII) Генеральной Ассамблеи ООН. 7 ноября 1967 года. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/declarations/women_discrimination.shtml; «Конвенция о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин». Резолюция 34/180 Генеральной Ассамблеи. 18 декабря 1979 года. https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/cedaw.shtml; «Конвенция о правах ребенка». Генеральная Ассамблея ООН. 20 ноября 1989 года. <https://lex.uz/docs/2595909>.

² Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2020. – Б. 410.

тадқиқотлар ўтказиб, илмий-назарий аҳамиятга молик хулоса ва тавсияларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 1 мартдаги ПФ-81-сон «Оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 7 мартдаги ПФ-87-сон «Оила ва хотин-қизларни тизимли қўллаб-қувватлашга доир ишларни янада жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»³ги фармонлари ҳамда 2020 йил 31 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 820-сон «Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида», 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-146-сон «Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»⁴ги қарори³ ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу тадқиқот иши Республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номи устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. «Оила» институти, оилавий муносабатлар мустаҳкамлиги, оиланинг жамият ҳаётидаги аҳамияти қадимдан файласуф, социолог, ҳуқуқшунос, психолог, педагог, этнограф каби соҳа вакиллариининг эътибор марказида бўлиб келган. Антик давр файласуфлари Сократ, Платон, Аристотель⁴ ўз асарларида оилани давлатнинг, жамиятнинг муҳим жабҳаси сифатида ифодалаб, унинг мустаҳкамлиги асосида давлат ҳам, жамият ҳам ривожланиб боради, деган фикрларни билдирганлар.

³ «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон фармони. <https://lex.uz/uz/docs/5841063>; «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 18 февралдаги ПФ-5938-сон фармони. <https://lex.uz/docs/4740345>; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 31 декабрдаги 820-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5193551>; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Оила институтини янада ривожлантириш ва ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 31 декабрдаги 820-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5193551>; «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2021 йил 26 мартдаги ПҚ-5040-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5344692>; «Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги 2022 йил 2 мартдаги ПҚ-146-сон қарори <https://lex.uz/uz/docs/5884084>.

⁴ Платон. Законы. Полное собрание творений Платона, том XIII. Перевод Жебелева С.А. и другие. Петербург: Academia, 1923. -234 с.; Аристотель. Политика. Перевод Жебелева С.А. – Москва: Тверской бульвар, 1911. - 492 с.

Ғарб мутафаккирлари оилани соціо-маданий ҳодиса деб билиб, уни жамиятнинг ижтимоийлашувига хизмат қилувчи асосий омил сифатида кўрсатганлар. Хусусан, Ф.Бэкон, Т.Гоббс, Г.Гегел, И.Кант М.Вебер, Э.Дюркгейм, Т.Парсонс, П.Сорокин, У.Джеймс, Ф.Знанецкий, У.Томас, З.Фрейд⁵ каби олимларнинг асарларида бу ғоя ўз аксини топган. Улар шахс ва оила ўртасидаги ўзаро алоқа, шахслараро муносабатлардаги муаммоли вазиятларни таҳлил этганлар.

Бугунги кунда оила масалалари хориж олимлари Чао-жу Чен, Захра М. Шоаиб Аюби, Лирон Бранд Коифман, Ами Хермодсон, Хайлей Й. Голден, Жессе Боринг, Жанет Мурфи, Нарумон Саардчом, Этин Анвар⁶ ва бошқалар томонидан ўрганилган.

МДҶ давлатларида оила муносабатларини И.Ю.Соловьева, А.С.Сказко, Ли Кван Сун, М.В.Григер, Ю.В.Федотова, О.А.Степанова, И.Г.Неудачина, Н.К.Бинниева, О.В.Каклова⁷ каби олимлар тадқиқ этганлар.

Шарқ алломалари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Ясавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Кайковус, Абу Ҳомид Ғаззолий, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, шунингдек, масаланинг диний ҳукмларини Марғиноний, Имом Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд, Ат-Термизий каби алломалар, булардан ташқари, жадид адабиёти намоёндалари Бехбудий, Абдулла Авлоний, Ҳожи Муин, Чўлпон, Абдурауф Фитрат⁸ ва

⁵ Бэкон Ф. Новая Атлантида. Опыты и наставления нравственные и политические. Перевод Александрова З.Е. – Москва: Академия наук СССР, 1954. –243 с.; Гоббс Т. Левиафан или материя, форма и власть государства церковного и гражданского. – Москва: Мысль, 2001. –828 с.; Кант И. Критика чистого разума. Перевод Лоссков Н. – Москва: Эксмо, 2015. –568 с.; Вебер М. Хозяйство и общество. Перевод Ионин Л.Г. – Москва: Высшая школа экономики, 2016. –447 с.; Дюркгейм Э. Моральное воспитание. Перевод Гофман А. – Москва: Высшая школа экономики, 2021. –109 с.; Парсонс Т. Муж и жена. Перевод Павлова М. – Москва: Гелеос, 2006. –281 с.; Сорокин П. Социальная и культурная динамика. – Москва: Астрель, 2006. –1176 с.; Фрейд З. Тотем и табу. Психология первобытной культуры и религии. – Тбилиси: Мерани, 1913. –186 с.

⁶ Zahra M. Shoaib Ayubi. Gendered morality: masculinity, marriage and social relations in premodern Islamic ethics: A dissertation submitted to the faculty of the University of North Carolina at Chapel Hill in partial fulfillment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy in the Department of Religious Studies – Chapel Hill, 2015. –325 p.; Liron Brand Koifman. Jewish family law in Israel – examination of family law in modern democracy: A dissertation submitted to the faculty of the Washington College of Law of American University in partial fulfillment of the requirements for the degree of Doctor of Juridical Science. American University. – Washington, 2019. –288 p.; Hayley Y. Golden. The effects of wife-abuser socio-economic level, type of abuse and rather gender, on attribution of blame: A dissertation submitted in partial fulfillment of the requirements for the degree of Doctor of Philosophy in psychology, University of Rhode Island – Kingston, 2009. –151 p.; Jesse Boring. Children of divorce coping with divorce (CoD-CoD): Evaluating the efficacy of an internet-based preventative intervention for children of divorce: A dissertation presented in partial fulfillment of the requirements for the degree Doctor of Philosophy. Arizona State University – Arizona, 2011. –137 p.; Janet Murphy. Divorce and remarriage in the church of God (with a specialized plan of action): A dissertation submitted to the Doctor of Ministry studies program in candidacy for the degree of Doctor of Ministry – Indiana, 2008. –175 p.

⁷ Соловьева И.Ю. Стабильность семьи как социально-философская проблема: Диссертация на соискание ученой степени кандидата философских наук – Воронеж, 2004. –169 с.; Сказко А.С. Трансформация концепта “семья” в культуре России: Диссертация на соискание ученой степени кандидата философских наук. – Ставрополь, 2005. –171 с.; Ли Кван Сун. Семья социально-философский анализ (на примере корейской семьи): Диссертация на соискание ученой степени кандидата философских наук – Москва, 2011. –171 с.; Григер М.В. Семья и брак в еврейской общине (Паластины II-III вв. нашей эры): Диссертация на соискание ученой степени кандидата философских наук – Казань, 2008. –206 с.; Федотова Ю.В. Семья как феномен и носитель культурных традиций: Европа с древности до начала XX века: Диссертация на соискание ученой степени кандидата культурологии – Москва, 2003. –153 с.

⁸ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. –320 б.; Абу Али ибн Сино. Тиб қонунари. 1-жилд. – Тошкент: Мерос, 1993. –152 б.; Аҳмад Ясавий. Девони ҳикмат. – Тошкент: Moqarashnahr, 2004. –83 б.; Юсуф Хос Ҳожиб. Қўтадуғ билги (Саодатга йўлловчи билим). – Тошкент: Фан, 1971. –965 б.; Абу Хомид Ғаззолий. Муқошафатул кулуб (Қалблар кашфиёти) 2-жиз. – Тошкент: Гафур Фулом, 2018. –320 б.;

бошқалар ўз асарларида оила қуришда аҳамият берилиши лозим бўлган жабҳалар, оилавий муносабатларни мустаҳкамлаш асослари, эр ва хотин амал қилиши тарзидан бўлган ахлоқий, муомалавий мажбуриятлар, талоқ масаласи, фарзанд тарбияси, шунингдек, ўзлари яшаб ўтган даврдаги оиллага оид муаммоларни ҳам дунёвий, ҳам диний билимлар асосида таҳлил қилишга эътиборларини қаратганлар.

Оила масалалари ўзбек олимлари И.Саифназаров, Ф.Саифназарова, Э.Юсупов, Н.З.Сайдалиева, С.А.Ахророва, М.Халматова, Н.Р.Нишонов, Ю.М.Якубов, М.А.Каримова, Н.Ж.Юсупова, О.Каримова, О.Мусурмонова, О.Сафаров, М.Маҳмудов, Ф.Ф.Хидирова, Р.А.Умурзакова, А.Ю.Палваниязов, Ф.Б.Шоумаров, З.А.Расулова, Г.С.Юнусова, Р.М.Абдуллаева, Г.Ниязметова, М.Х.Файзиёва⁹ ва бошқалар томонидан ўрганилган. Н.З.Сайдалиева, З.А.Расулова, Р.М.Абдуллаева каби олимларнинг тадқиқот ишлари ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашга бағишланган бўлса, Н.Ж.Юсупованинг диссертация ишида оила муносабатларининг фикҳий жиҳатлари таҳлил қилинган. Шунингдек, Г.С.Юнусова, Г.Т.Ядгарованинг ишларида нотўлиқ оилладаги ижтимоий-психологик муаммолар масаласи кўтарилган. Ушбу диссертациялардан фарқли равишда, масалага комплекс тарзда ёндашиш, уни дунёвий ва диний билимлар уйғунлигида кенг ёритиш мақсадга мувофиқдир.

Бугунги кунда оила муносабатларини дунёвий ва диний билимлар асосида чуқур ўрганиш, шариатнинг талабларини аниқ манба ва фатволар орқали ёритиб, таҳлил қилиш, ўзбек ва бошқа халқ миллий қадриятларини қиёсий-таҳлил қилиш орқали эътиборга молик жиҳатларини қайд этиш, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оила мустаҳкамлигини сақлашда миллий ва диний меросимиздан фойдаланиш, ажрашган ёшлар ва уларнинг яқинлари билан суҳбатлар ўтказиб, ажрашиш сабабларининг асл негизини аниқлаш ва бу асосида илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган хулосаларни ишлаб чиқиш долзарб масала ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.

Алишер Навоий. Махбуб ул-қулуб. – Тошкент: Гафур Ғулом, 2021. -89 б.; Бурхонуддин Марғинойий. Ҳидоя шарҳ бидоятил мубтади. 2-жуз. Таржимон: Аъзамхон Қамбаров. – Тошкент: HILOL-NASHR, 2020. -592 б.; Бехбудий М. Танланган асарлар. – Тошкент: Ma'naviyat, 2009. -280 б.; Авлоний А. Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент: Ёшлар, 2018. -47 б.; Ҳожи Муин. Танланган асарлар. – Тошкент: Ma'naviyat, 2010. -255 б.; Жаҳид адабиётӣ намоёндалари. Одоб-ахлоқ китоби. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2018. -192 б.

⁹ Сайдалиева Н.З. Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-фалсафий муаммолари: Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация – Тошкент, 2005. -152 б.; Нишонов Н.Р. Ўзбекистон давлат бошқаруви тизимида хотин-қизлар фаолиятининг ижтимоий-фалсафий таҳлили: Фалсафа фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация – Тошкент, 2020. -251 б.; Каримова М.А. Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий муҳофазалашда исломий қадриятларнинг ўрни: Фалсафа фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация – Тошкент, 2008. -142 б.; Юсупова Н.Ж. Ислому оила ҳуқуқи: пайдо бўлиши, ривожланиши, манбалари ва институтлари: Юридик фанлар доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация – Тошкент, 2019. -299 б.; Палваниязов А.Ю. Ўзбекистонда ёш оилаларнинг барқарорлик омиллари (Қорақалпоғистон Республикаси мисолида): Социология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация – Тошкент, 2019. -186 б.; Расулова З.А. Ўзбекларда оила-никоҳ аънасаларининг ижтимоий ва этник психологияси: Психология фанлари доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация – Тошкент, 2018. -352 б.; Юнусова Г.С. Тўлиқ ва нотўлиқ оилалардаги она шахсининг фарзанд ижтимоий тасаввурларига таъсири: Психология фанлари доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация – Тошкент, 2018. -182 б.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг

ФА-0513 «Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг муштараклиги» мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади дунёвий ва диний билимлар мувозанати асосида оила институти мустаҳкамлигини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

оилавий муносабатларнинг тарихий эволюцион босқичлари, оиланинг жамият ҳаётидаги аҳамияти, унинг функциялари, оила мустаҳкамлигининг ҳуқуқий, миллий ва диний асосларини ижтимоий-фалсафий очиб бериш;

глобал муаммолардан бирига айланиб бораётган маънавий таҳдидлар, жумладан, Фарбда кенг тус олаётган ноанъанавий оила тенденциялари, фарзандсиз, масъулиятсиз ҳаётни тарғиб қилувчи ғоялар, уларнинг Ўзбекистондаги анъанавий оила муносабатларига таъсири, оқибатда юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ўрганиш;

ёшларни ҳуқуқий, диний, психологик, репродуктив билимлар уйғунлигида оилавий ҳаётга тайёрлаш;

эр-хотин муносабатларини мустаҳкамлаш учун хизмат қилувчи миллий ҳамда диний кадриятларга онд билимларни тегишли манбалар асосида очиб бериш;

«гендер тенглик» тамойилини дунёвий ва диний билимлар асосида таққослаб тадқиқ этиш орқали ёшлар ўртасида «педагогик колоклик», оиладаги зўравонлик, аёллар орасида суицид ҳолатларини олдини олиш;

жаҳон ва Ўзбекистон миқёсида оила бузилиши сабаблари ҳамда унинг оқибатларини ҳуқуқий асослари, диний ҳукмларини тадқиқ этиш, ажралишнинг нотўлиқ оилада вояга етаётган фарзанд тарбияси, жамиятда ижтимоийлашувига таъсирини очиб бериш;

Ўзбекистонда оилавий муносабатларга онд муаммоларни миллий, диний, маънавий-ахлоқий хусусиятларини уйғунликда ўрганиш орқали оила институтини мустаҳкамлаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объектини оила институти мустаҳкамлиги ташкил этади (ўзбек оилалари мисолида).

Тадқиқотнинг предметини оила институтини мустаҳкамлашда дунёвий ва диний билимлар уйғунлиги ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда умумилмий методлардан тарихийлик, тизимлилик, мантқиқийлик, қиёсий таҳлил, кузатув, анализ, синтез, сўровнома ва интервью усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

анъанавий оила муносабатларига салбий таъсир кўрсатаётган «оммавий маданият»нинг янгича кўринишдаги маънавий таҳдидлари, ахлоқсизликни тарғиб қилаётган ноанъанавий оила концепцияси ғояларига қарши миллий идентив кадриятлар асосида ёшлар онгида конструктив ва деструктив ғояларни фарқлай олувчи «маънавий филтёр» ҳосил қилиш зарурлиги очиб берилган;

ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда «интегратив-концептуал» ёндашув асосида «педагогик қолоқлик» ва «иррадиация» хусусиятларини коррекциялаш орқали ёшлар тафаккурида ҳуқуқий, диний, психологик, маънавий, репродуктив билимларни герменевтик, интенсив, комплекс йўналишда такомиллаштириш, оила мустаҳкамлигини сақлаш, ажрашишларнинг олдини олиш лозимлиги асосланган;

оила институтини мустаҳкамлашда «гендер тенглик» тамойилини жамиятда янада кенг ёйиш мақсадида ушбу масаланинг гносеологик, аксиологик хусусиятларига асосланиб секуляр ва сакрал қарашлар орасидаги мувозанатни ўрнатиш орқали оилаларда юзага келаётган жисмоний, жинсий, иқтисодий ва психологик зўравонлик, аёллар ўртасидаги суицидал ҳолатларининг олдини олиш кераклиги исботланган;

динийлик ва дунёвийлик тамойилларининг диалектик ўзаро алоқадорлиги оиланинг репродуктив, аксиологик, интегратив, компенсаторлик, гносеологик сингари ижтимоий функцияларида намоён бўлиши, оиланинг барқарорлиги мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида тизимли-концептуал таҳлилни талаб қилиши очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

оилавий муносабатларнинг тарихий эволюцион босқичлари ва унинг жамият ҳаётидаги аҳамияти, оила функциялари, оила мустаҳкамлиги асосларини ижтимоий-фалсафий жиҳатдан ўрганилган, шунингдек, оила муносабатлари турли дунёвий ва миллий дин шариатлари асосида, ўзбек ва бошқа миллатларнинг оила институтига бўлган муносабатини қиёсий-таҳлил ёрдамида очиб берилган;

оила бузилиши сабаблари, ажрашишнинг фарзанд тарбияси ва ижтимоийлашувига таъсири каби ҳолатлар интервью ва сўровнома методлари орқали очиб берилган;

оила-никоҳ муносабатлари ривожланишининг замонавий тенденцияларини ўрганиш ва умумжаҳон тенденцияларини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда оиланинг ҳозирги кундаги ривожланишида мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган муаммолар аниқланган ва улар учун миллий ҳамда диний тарбияни инobatга олиб илмий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги Республика ва халқаро миқёсидаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унда илгари сурилган гоёлар, назарий хулосалардан ижтимоий фалсафа ва бошқа оила мавзусига оид ўтказиладиган тадқиқотлар ҳамда методологик ёндашувларни такомиллаштиришда илмий-услубий асос сифатида қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган маълумотлар ва хулосалар ёшлар, ўсмирларни оилавий ҳаётга тайёрлаш курслари учун дастурлар, ўқув қўлланма, дарсликларни ишлаб чиқиш, маданий-маърифий

тадбирлар, социологик сўровномаларни ўтказиш, оммавий ахборот воситалари тизимида радиоэшиттиришлар, тахлилий телекўрсатувлар тайёрлаш, оилавий муносабатлар билан шуғулланувчи мутахассислар, ижтимоий иш ходимлари фаолиятида қўлланилиши мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Оила институтини мустаҳкамлашда динийлик ва дунёвийлик мувозанатини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

анъанавий оила муносабатларига салбий таъсир кўрсатаётган «оммавий маданият»нинг янгича кўринишдаги маънавий таҳдидлари, ахлоқсизликни тарғиб қилаётган ноанъанавий оила концепцияси ғояларига қарши миллий идентив кадрятлар асосида ёшлар онгида конструктив ва деструктив ғояларни фарқлай олувчи «маънавий филтёр» ҳосил қилиш зарурлигига оид таклифлардан 2020 йил 18 февралдаги «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5938-сон фармонининг 4-бандида белгиланган вазифалар, 2021 йил 26 мартдаги «Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-5040-сон қарорининг 1-бандида белгиланган «оила, таълим ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий тарбиянинг узвийлигини таъминлаш», «эл-юрт тақдирини лоқайдлик, маҳаллийчилик, уруғ-аймоқчилик, коррупция, оилавий кадрятларга беписандлик ва ёшлар тарбиясига масъулиятсизлик каби иллатларга барҳам беришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш» каби устувор йўналишлар ҳамда 2-бандидаги кўшимча вазифалар ижросини таъминлаш оид таклиф ва тавсиялардан Республика Маънавий ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институти фаолиятида тарғибот ишларини самарали ўтказишда фойдаланилган (Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳузуридаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар институтининг 2022 йил 9 мартдаги 27-сон маълумотномаси). Мазкур таклифларнинг амалиётга жорий этилиши юзасидан берилган назарий хулосалар, амалий таклифлар анъанавий оила институтини мустаҳкамлаш, ноанъанавий оила тенденциялари ҳақида ёшлар учун тадбирлар ўтказиш орқали таълим-тарбия ишларини олиб бориш, маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини оширишга хизмат қилган.

ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашда «интегразив-концептуал» ёндашув асосида «педагогик қолақлик» ва «иррадиация» хусусиятларини коррекциялаш орқали ёшлар тафаккурида ҳуқуқий, диний, психологик, маънавий, репродуктив билимларни герменевтик, интенсив, комплекс йўналишда такомиллаштириш, оила мустаҳкамлигини сақлаш, ажрашишларнинг олдини олиш лозимлиги асосланганлигига доир янгилеклардан Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг дастурида белгиланган асосий ғоя ва вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгашининг 2022 йил 11 февралдаги 01/05-13-сон маълумотномаси). Илгари сурилган таклиф, тавсиялар, ўтказилган сўровнома натижалари ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университети кенгаши томонидан 2022 йил 31 январь куни №6-сон

қарори асосида нашрга тавсия этилган ва чоп этилган «Оила маънавияти» ўқув-услубий қўлланмасидан ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, улар ўртасида кенг тус олаётган «педагогик колоқлик» каби маънавий иллат кўрсаткичларини камайтириш, оилада эр-хотиннинг молиявий ҳамда муомалавий бурч ва мажбуриятларига оид маълумотларни дунёвий ва диний билимлар уйғунлигида самарали тарғиб қилишда фойдаланилган.

оила институтини мустаҳкамлашда «гендер тенглик» тамойилини жамиятда янада кенг ёйиш мақсадида ушбу масаланинг гносеологик, аксиологик хусусиятларига асосланиб секуляр ва сакрал қарашлар орасидаги мувозанатни ўрнатиш орқали оилаларда юзага келаётган жисмоний, жинсий, иқтисодий ва психологик зўравонлик, аёллар ўртасидаги суицидал ҳолатларининг олдини олишга доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита фаолиятида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 2 мартдаги 02-03/1390-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг маънавий-маърифий тарғибот ишларида, шунингдек, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш маркази ва унинг минтақавий филиалларида давлат ва жамоат ташкилотлари, имом-хатиблар ва отиноилар учун ташкил этилган малака ошириш курслари ўқув дастурлари, Ўзбекистон халқаро ислом академияси талабалари учун мўлжалланган ўқув-қўлланма ва дарсликларни ишлаб чиқишда фойдаланилган.

динийлик ва дунёвийлик тамойилларининг диалектик ўзаро алоқадорлиги оиланинг репродуктив, аксиологик, интегратив, компенсаторлик, гносеологик сингари ижтимоий функцияларида намоён бўлиши, оиланинг барқарорлиги мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида тизимли-концептуал таҳлилни талаб қилишига доир янгиликлардан «Toshkent» teleradiokanalі давлат муассасасида бир қатор кўрсатувларни тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси «Toshkent» teleradiokanalі давлат муассасасининг 2022 йил 4 февралдаги 01-16-18-сон маълумотномаси). Натижада «Toshkent» teleradiokanalі «Қонун доирасида» кўрсатувининг 2021 йил 26 мартда «Оила қуришдаги қалтис қадам», 2021 йил 2 апрелда «Гиёҳванд дориларга ўрганиб қолган бўлажак келин-куёвлар тақдирлари», 2021 йил 14 майда «Оила қуриш остонасидаги ёшларга қўйиладиган талаблар» каби мавзулардаги туркум кўрсатувлар эфирда намоёиш этилиб, кўрсатувда ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оила муносабатларини дунёвий ва диний билимлар асосида мустаҳкамлашга оид таклиф ҳамда тавсияларидан фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 11 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 26 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола (5 та Республика, 2 та хорижий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, тўққизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми иловалардан ташқари 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «Кириш» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган Олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети ва усуллари ёритилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилганлиги, апробацияси, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Оилавий муносабатларни ўрганишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида оилавий муносабатларнинг тарихий эволюцион босқичлари, тарихий тараққиёт давридаги оилаларнинг ўзига хос хусусиятлари, оиланинг шаклланиши, ривожланишига асос бўлган ахлоқий, ҳуқуқий, ижтимоий омиллар, ўзбек ва чет эл олимларининг оила масаласини тадқиқ этганликлари ва уларнинг ижтимоий-фалсафий таҳлили, айрим диний конфенцияларнинг оилага бўлган муносабатлари, оила мустаҳкамлигининг ҳуқуқий, диний, психологик асослари, оиланинг функциялари, бугунги кунда замонавий оилалар инқирозига сабаб бўлаётган омиллар, глобаллашув жараёнида анъанавий оила институтига салбий таъсир кўрсатаётган замонавий йўналишлар, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ҳуқуқий, диний, психологик, репродуктив соҳаларга оид билимлар уйғунликда тадқиқ этилган.

Қадимги юнон файласуфлари Сократ, Платон, Аристотель ўз асарларида оилани давлатнинг бир қисми сифатида ифодалаганлар. Немис файласуфи Г.Гегелнинг оилага қарашлари Аристотелнинг «Оила – инсоният тараққиётининг муқаддимаси» ғоясига асосланган. Ғарб мутафаккирлари ва файласуфлари оилани социо-маданий ҳодиса ва жамиятни ижтимоийлашувига хизмат қилувчи асосий омил сифатида кўрсатганлар. Ушбу йўналиш Ф.Бэкон, Т.Гоббс, И.Кант ва бошқаларнинг асарларида ўз аксини топган.

Ғарб олимлари М.Вебер, Э.Дюркгейм, О.Конт, М.Мид, Т.Парсонс, П.Сорокин ва бошқалар оила ҳамда жамиятнинг ўзаро муносабатларидаги муаммоларини ўрганиб, оила шаклланиш жараёнини туркумлаганлар. XIX асрга келиб олимлар оиланинг қариндош-уруғчилик муносабатлари доирасидан «эр-хотинлик» оиласи даражасигача торайиб бориши қонуниятларини ўрганганлар. Бу эса «нуклеар оила» ғоясининг шаклланишига асос бўлган. Юқориди санаб ўтилган олимларнинг асарларида оила жамиятнинг ажралмас бўғини бўлиши билан бир қаторда ўзига хос вазифаларга эга эканлиги, оила аъзоларининг ўзаро муносабатларда эътибор беришлари лозим бўлган жиҳатларга оид қарашлар ёритила бошланган. У.Джеймс, Ф.Знанецкий,

У.Томас, З.Фрейдлар ушбу назарий ёндашувни такомиллаштириб, шахс ва оила ўртасидаги ўзаро алоқа, шахслараро муносабатлардаги муаммоларини ўрганганлар. Ушбу даврда оила муносабатларни янада чуқур таҳлил қилиниб, оила мустаҳкамлиги ва фарзанд камолотида жинсий тарбиянинг аҳамияти очиб берилган.

Оилавий муносабатлар, оила мустаҳкамлиги, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, рўзгор тутиш тартиби, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларда амал қилиниши лозим бўлган ахлоқ-одоб қоидалари ҳақида Шарқ мутафаккирлари, жумладан, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Яссавий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Ҳомид Ғаззолий, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, маърифатпарвар жадидчилардан Бехбудий, Абдулла Авлоний, Ҳожи Муин, Чўлпон, Абдурауф Фитрат каби алломаларимиз ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Эътиборли жиҳати шундаки, Ғарбдан фарқли равишда Шарқда оилавий муносабатлар деганда фақатгина эр-хотин ва уларни фарзандларининг манфаатларигина назарда тутилмайди. Шарқ алломаларининг асарларида ҳар бир инсоннинг барча муносабатлар ва фаолиятларда масъулиятли бўлиши, ҳуқуқларини рўёбга чиқариш билан бир қаторда мажбуриятларини ҳам сидқидилдан бажариши оила мустаҳкамлиги, жамият раванқининг асоси ҳисобланади. Маълумки, ушбу асарларда тараннум этилган ёши улуг инсонларга ҳурмат, кичикларга иззат, қариндошларга нисбатан сизлаи раҳм қилиш каби фазилатлар инсон камолотига хизмат қилади. Комил шахс эса оила муносабатларида ҳам одоб-ахлоқ қоидаларига оғринмай амал қилиши орқали оиласида юз бериши мумкин бўлган муоммоли вазиятларни олдини олади, унинг фаровонлигини сақлай билади.

Оила институтини мустаҳкамлашга оид шаръий ҳукмларни ҳар бир дин ўзига хос тарзда талқин этган. Бу мавзу диний адабиётларда ҳам кенг ўрин эгаллайди. Айниқса, Ислом динига оид манбаларда Ислом динининг 5 муҳим арконларидан сўнг оила муносабатлари масаласига алоҳида боблар ажратилган бўлиб, унда ушбу муносабатларнинг ҳар бир жабҳаси алоҳида эътибор билан тадқиқ этилган. Имом Бухорий, Имом Муслим, Абу Довуд, Ат-Термизий каби ҳадисшунос, Имом Аъзам, Имом Шофеъий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Имом Молик каби фикхшунослар, улар чиқарган шариат ҳукмларини тартибга солган Марғиноний каби олимлар оила муносабатлари, никоҳ масалаларининг шаръий асосларини тадқиқ этганлар. Бу диний манбалар Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф томонидан бугунги кун руҳияти берилиб шарҳланган. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф, Шайх Абдулазиз Мансур, Усмонхон Алимов, Зиёвуддин Раҳим каби уламоларнинг ҳам оила институтини мустаҳкалалаш, оиладаги низоли ҳолатларни олдини олиш, фарзанд тарбиясига оид кўплаб асарлари мавжуд.

Диссертант оила масалалари буйича ўзбек олимлари, жумладан, И.Саифназаров, Ф.Саифназарова, Э.Юсупов, Н.З.Сайдалиева, К.В.Джавакова, Ҳ.Насруллаева, С.А.Ахророва, Ф.Х.Юлдашева., Н.М.Мусаева, М.Халматова, Н.Р.Нишонова, Ф.А.Примова, Н.Ж.Юсупова, О.Каримова, рус олимларидан А.Б.Федулова, Л.М.Панкова, И.Ю.Соловьева, А.С.Сказко, Т.В.Свадьбина, Ли Кван Сун, М.М.Проконьева, М.М.Прокопьева, М.В.Григер, Ю.В.Федотова кабиларнинг илмий ишларини тадқиқ этган. Шунингдек, бу масалада Ғарб

олимлари Чао-жу Чен, Захра М. Шоаиб Аюби, Лирон Бранд Коифман, Ами Ҳермодсон, Ҳайлей Й. Голден, Жессе Боринг, Жанет Мурфи, Нарумон Саардчом, Этин Анвар ва бошқаларнинг ҳам ишларини ўрганган.

Шунингдек, диссертантнинг қайд этишича, ўзбек ва чет эл олимларининг илмий ишлари тубдан фарқ қилади. Чет эл олимлари асосий эътиборни оила ва оилавий муносабатларнинг бугунги кундаги муаммолари, оила муносабатларга оид янги тенденцияларини тадқиқ этиш, ажрашиб бўлган ёшларнинг моддий ва психологик ҳолатини мувозанатга келтириш каби масалаларга қаратилган. Диний қадриятларга аксарият диссертацияларда салбий муносабат кузатилади. Хориж олимларининг фикрига кўра, диний қадриятлар инсон ҳуқуқларини чеклаб қўяди.


Рус тилида олиб борилган тадқиқотларда эса, масалан, Ли Кван Сун ва Со Сын Хюннинг диссертацияларида рус ва корейс халқларининг миллий қадриятлари қиёсий таҳлил этилган. А.Федотова христиан динининг, М.Григер яҳудийлик динининг «оила» қадриятига бўлган муносабатларини ўрганганлар. Ўзбек олимлари томонидан ҳам оилавий муносабатларга оид миллий ва диний қадриятларимиз таққосланиб тадқиқ этилган. Аммо, тадқиқотчининг таъкидлашича, аксарият ўзбек олимлари томонидан ёзилган диссертациялар турли дин шариатлари, бошқа миллат вакилларининг менталитетларини қиёслаб ўрганилмаган, бугунги кундаги оилага оид муаммоли вазиятлар учун шариат томонидан ишлаб чиқилган ҳукмларини дунёвий ва диний билимлар уйғунлигида асослаб ёритилмаган. Шунингдек, диссертантнинг фикрича, чет эл олимлари муаммонинг бугуни ҳолатидан кўра, келиб чиқиш сабабини ўрганишга эътибор қаратмайдилар. Бу борада уларнинг мулоҳазалари ҳам диссертация ишида келтирилган ва тадқиқотчи бунга ўз фикрини билдирган.

Диссертациянинг иккинчи боби «Миллий ва диний қадриятлар уйғунлиги асосида оила мустаҳкамлигини таъминлаш» деб номланган бўлиб, унда оила мустаҳкамлигининг ҳуқуқий, миллий, диний асослари, никоҳ ва уни қайд этишнинг қонуний, шаръий тартиби, никоҳни эълон қилиш масаласи, Ўзбекистон ва чет эл давлатларида қонуний никоҳдан ўтишнинг қиёсий таҳлили, оилавий муносабатларни мустаҳкамлашда миллий ва диний урф-одатлар, ижтимоий-психологик факторларнинг ўрни масалалари ўрганилган. Шунингдек, мазкур бобда «гендер тенглик» тамойили ва «феминизм» ҳаракати қиёсий таҳлил қилиниб, улар ўртасидаги фарқли жиҳатлари ўрганилган. Маълумки, «феминизм» ҳаракати Фарбда пайдо бўлган бўлиб, бу йўналиш Ўзбекистонда кузатилмайди. Аммо афсуски, Ўзбекистонда «гендер тенглик» ва «феминизм» тушунчаларини бир маънода талқин этиб, «гендер тенглик» масаласига нисбатан ҳам салбий фикрлар билдирилади. Ўрганилаётган бобда гендер тенглик тамойилининг келиб чиқиш тарихи, унинг чет эл давлатлари ва Ўзбекистонда қўлланилиш ҳолати, динларнинг, жумладан Ислом дининг гендер тенглик масаласига бўлган муносабати тадқиқ этилган. Шунингдек, диссертант томонидан бугунги кунда ўзбек оилаларида кўп дуч келинаётган – иқтисодий зўравонлик масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Маълумки, ёшлар турмуш қуришдан аввал мажбурий тиббий кўрикдан ўтадилар. Тиббий кўрикдан ўтиш ҳажми ва тартиби 2003 йил 25 август «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомини

тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 365-сонли қарори¹⁰ билан тасдиқланган. Ушбу қарор 2004 йил 1 январдан бошлаб кучга кирган ва унга «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида Низом» илова қилинган. Никоҳланувчилар Низомга асосан психик, наркологик, таносил касалликлари, сил касаллиги ва ОИВ/ОИТС юзасидан тиббий кўрикдан ўтадилар. Психик касалликлар (шизофрения, эпилепсия, олигофрения) мавжуд ёки йўқлигини текшириш билан бир қаторда ёшларнинг педагогик ривожланиши ҳам ўрганилади. Бугунги кунда 18-30 ёш атофидида турмуш қураётган ёшлар ўртасида «педагогик қоқоқлик» ташхиси кўп учрамоқда. Диссертантнинг фикрига кўра, бу ташхис оила қуришга монелик қилмасида, оилавий ҳаёт давомида ўзининг салбий оқибатларини кўрсатаётгани ачинарли ҳолдир. Ҳаттоки, бу қоқоқлик оила аъзолари билан муомала қилишда ҳам турли қийинчиликлар, тушунмовчиликларга сабаб бўлаёпти, фарзанд тарбиясига салбий таъсир кўрсатаёпти. Тадқиқотчининг таъкидлашича, агар ёшларни шундай ҳолатда қолдирилса, дунёвий ва диний билимлар уйғунлигида тарбияланмаса, келажакда кўзга кўринмас бу маънавий иллат қатта мусибатларга сабаб бўлиб қолиши мумкин.

Давлат статистика кўмитаси берган маълумотларга қараганда, 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра, Республикамизда 8 871 412дан ортиқ оила истиқомат қилади. ФХДЁ органлари томонидан 2017-2022 (январь-октябрь) йилларда қайд этилган қонуний рўйхатдан ўтган никоҳлар сони қуйидаги жадвалда келтирилган (1-расм):



1-расм. 2017-2022 (январь-октябрь) йилларда ФХДЁ органлари томонидан қайд этилган қонуний рўйхатдан ўтган никоҳлар сони¹¹

¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш ҳақида»ги 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/245890>.


¹¹ Мазкур рўйхатдаги манбалар диссертациянинг «Фойдаланилган адабиётлар рўйхати»да келтирилган.

Юқоридаги маълумотлар қонуний никоҳдан ўтган оилалар таҳлили бўлиб, жамиятимизда аслида яхшилик, масъулиятни тарғиб қилиши, тамишлаши лозим бўлган, ammo бугунги кунда дунёвий ва диний жоҳиллик сабабли кўплаб муаммоларга омил бўлиб қолаётган қонуний рўйхатдан ўтмаган шаръий никоҳлар асосида тузилган оилалар ҳам мавжуд. Маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда ҳар йили бир туманга 100 та ноқонуний никоҳ тўғри келади. Албатта, бу рақамлар одамни ҳайратга солиши тайин. Лекин бу аниқланган ноқонуний никоҳлар сони бўлиб, аниқланмаган шаръий тузилган никоҳлар, тузилгани-ю бекор бўлгани ҳеч кимга маълум бўлмаган, қанчадан-қанча тақдирларга салбий таъсир кўрсатиб, фарзандларни қонуний ҳақларидан маҳрум қилганлари бундан ортиқлиги ачинарлидир.

Диссертантнинг такидлашича, ёшлар ва уларнинг ота-оналари оила масаласига оид дунёвий ва диний билимлардан хабардор эмасликлари, уларни асл манбалардан ўрганмаганликлари, бугунги кунда оилавий муносабатларга оид кўйлаб диний саволлар, баҳс-мунозараларга асос бўлиб қолмоқда. Шаръий никоҳни яширинча ўтказиш, кундошлар ўртасидаги зиддиятлар, аёлларда эрига бўлган ишончсизлик ва беҳурматчилик, фарзандларнинг ўз отасига нисбатан нафрат руҳида вояга етиши, масъулиятсиз эраклар томонидан шаръий никоҳга жиддий ёндашмаслик, шаръий никоҳидаги аёли ва фарзандлари олдидаги бурч ва мажбуриятларини тўлиқ бажармаслиги, уларни муаллақа ҳолатда ташлаб қўйиш, маълум муддатдан сўнг осонликча шаръий никоҳдаги оиласидан воз кеча олиш, уларнинг ҳуқуқий ҳаққи йўқлигини билан ҳолда «ярим етим» ёки «тирик етим» болаларидан умуман хабар олмай, моддий таъминламаслик каби ҳолатлари статистик қайд этилмаган оилавий муносабатларнинг оғриқли нуқталаридан бири. Бунинг натижасида жамиятда «ярим етим» болалар ва бева аёлларнинг сони ошишига, уларнинг руҳий, психологик ҳолатидаги муаммоларга шариат ҳукмларини айбдор қилиб кўрсатиш ҳолатлари кузатилади.

Диссертантнинг қайд этишича, оила муносабатларига киришаётган ҳар бир шахс нафақат ҳуқуқий саводхон бўлиши, шунингдек, оила қуришга ҳам маънан, ҳам руҳан тайёрланиши лозим. Ушбу муаммоларни турли соҳа мутахассислари томонидан алоҳида-алоҳида равишда эмас, балки «бир ёқадан бош чиқариб», комплекс ҳолда ўрганилса, унинг ечими самарали бўладишига оид хулосалар тадқиқотчи томонидан таъкидланган.

Диссертациянинг учинчи боби «Замонавий оила-никоҳ муносабатларида ижтимоий-психологик муаммолар ва ечимлар» деб номланиб, мазкур бобда оилалар ажрашуви сабаблари дунё ва Ўзбекистон миқёсида таҳлил қилиниб, ажрашиш масаласи турли дин шариатлари асосида ўрганилган. Ажрашиш масалаларига оид чет эл ва ўзбек олимларининг тадқиқотлари таҳлил қилинган. Маълумки, оила бузилишидан нафақат икки инсон, балки уларнинг атрофларидаги яқинлари, қариндошлари, айниқса мурғак қалбли фарзандлари маънавий, руҳий зарба оладилар. Шу сабабдан, ушбу бобда нотўлиқ оилаларда вояга етаётган болалар тарбияси ва бу жараённинг ҳуқуқий, диний ва психологик асослари ўрганилган.




